

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

565 Туркменистоннинг автотранспорт воситаларидан
ундириладиган йиғимлар ставкаларига ўзгартириш
киритиш тўғрисида

Учинчи мамлакатлардан юкларни Ўзбекистон Республикасига ташишда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан юкларни олиб чиқишда Туркменистон автотранспорт воситаларидан йўл йиғимлари ставкаларини тенглик асо-сида қўллаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 28 сен-тябрдаги 447-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 59-мод-да) билан тасдиқланган Туркменистоннинг автотранспорт воситаларидан ундириладиган йиғимлар ставкаларига қўйидаги мазмундаги изоҳ қўшилсин:

«Изоҳ: учинчи мамлакатлардан юкларни Ўзбекистон Республикасига та-шишда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан юкларни олиб чиқишда Турк-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

565-модда

— 62 —

44 (700)-сон

манистон юк автотранспорт воситаларидан 175,0 АҚШ доллари миқдориди қўшимча йиғим ундирилади».

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 6 ноябрь,
318-сон